

Жисмоний шахсларга “Онлайн” микроқарз ажратиш ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

1. ШАРТНОМА ТУШУНЧАЛАРИ

1.1. Ушбу шартномада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

“Онлайн” микроқарз - Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунига асосан қайтаришлик, тўловлилик, муддатлилик шартлари асосида, қоғоз ҳужжатлар талаб қилинмаган ҳолда, миллий валютада, “Туронбанк” АТБ тизимида иш ҳақи доирасида очилган Банк пластик картасига эга бўлган жисмоний шахсларга **“MyTuron”** иловаси орқали, ушбу шартномада белгиланган шартлар асосида, дастурлашган скоринг таҳлил асосида аниқланган миқдордан ортиқ бўлмаган миқдорда, иш ҳақи дастури доирасида эмиссия қилинган банк картасига мижоз томонидан юклаб олиш йўли билан бериладиган, кредитлашнинг қайта тикланмайдиган қисқа муддатли шаклидир.

Банк - “Туронбанк” АТБ, унинг филиаллари ва Марказий амалиёт бошқармаси;

Банк пластик картаси (кейинги ўринларда - БПК) – Банк томонидан иш ҳақи дастури доирасида жисмоний шахслар учун эмиссия қилинган пластик карта;

“Қарз олувчи” - “Туронбанк” АТБ тизимида иш ҳақи доирасида очилган Банк пластик картасига эга бўлган ва “MyTuron” мобил иловаси орқали “Онлайн” микроқарз хизматидан фойдаланаётган шахс.

“MyTuron” мобил иловаси - масофадан туриб “Туронбанк” АТБ филиаллари(МАБ)дан “онлайн” микроқарз олиш имконини берувчи, мобил қурилмалар учун мўлжалланган дастурий таъминот.

Оферта - банк томонидан электрон тасдиқланган, мобил илова ёки банкни веб сайти орқали кенг оммага эълон қилинган, унда кўрсатилган шартлар асосида микроқарз ажратиш ҳақида шартнома тузиш бўйича таклиф

Оферта шартномаси – “Банк” билан “Қарз олувчи” ўртасида электрон тарзда тузиладиган, банк пластик карточаси орқали “онлайн” тарзда микроқарз ажратиш ва уни тўлаш шартларини ўз ичига олган шартнома.

2. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

2.1. “Банк” “Қарз олувчи”га, ушбу шартномада назарда тутилган шартларда микроқарз ажратади, “Қарз олувчи” эса ундан кредит беришнинг умумий қоидаларига (муддатлилиги, қайтаришлилиги ва тўловлилигига) риоя этган ҳолда фойдаланади ва қайтаради.

3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

3.1. Ушбу оферта шартнома тасдиқлангандан эътиборан 1 (бир) банк иш куни ичида “Банк” дастурий равишда “Қарз олувчи”га микроқарздан фойдаланиш имконини берувчи ссуда ҳисобварағини очади ва ушбу шартноманинг 3.2-бандига асосан дастурий равишда микроқарз суммасини белгилайди.

3.2. **“Онлайн” микроқарз миқдори** – скоринг таҳлил натижасига асосан, қарз олувчининг банк пластик картасига кирим бўлган ўртача бир ойлик иш ҳақи (ва унга тенглаштирилган даромадлари)ни 50 фоизини (агар мавжуд бўлса, мавжуд кредит қарздорликларининг бир ойлик тўлови чегириб ташланган ҳолда), лекин амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробаридан ошмаган миқдорини ташкил этади (**ҳисоблаш методикаси:** “Онлайн” микроқарз миқдори = 12 (ёки 11, 10, 9, 8, 7, 6, 5, 4, 3) ойлик иш ҳақи / 12 (ёки 11, 10, 9, 8, 7, 6, 5, 4, 3)ой X 50% - мавжуд кредитлари буйича бир ойлик тулов = ЭКОИХнинг 10 баробаридан кўп эмас).

3.3. “Онлайн” микроқарз – “қарз олувчи”нинг номига миллий валютада очилган пластик картасига “қарз олувчи” томонидан **“MyTuron” мобил иловасидан** фойдаланган

ҳолда юклар олиш орқали 3(уч) ой муддатга, график асосида бўлиб-бўлиб қайтариш шарт билан ажратилади.

3.4. “Онлайн” микроқарз - суммаси ўтказилганлиги тўғрисидаги ссуда ҳисобварағида тегишли бухгалтерия ўтказмаси акс эттирилганидан сўнг берилган ҳисобланади.

3.5. “Онлайн” микроқарзга - йиллик 36 (ўттиз олти) фоиз миқдорида устама ҳақ ҳисобланади. Микроқарзнинг бир қисми ёки тўлиқ миқдори белгиланган муддатда тўланмасдан, муддати ўтган кредитлар ҳисобварағи(12505)га ўтказилганда, шунингдек, ушбу микроқарз бўйича тўловлар муддатида тўланмасдан, микроқарз асосий қарзи банк балансининг “15703 - Жисмоний шахсларга берилган суд жараёнидаги кредитлар” ҳисобварағига ёхуд балансдан ташқари “95413 - Хисобдан чиқарилган кредитлар” ҳисобварағига ўтказилса, муддатида тўланмаган қарздорликка асосий фоиз ставкаси 5 (беш) фоизга оширилган ҳолда фоиз ҳисобланади.

3.6. Фоизлар микроқарзнинг асосий қарзи сўндирилгунча бўлган давр учун ҳисобланади.

3.7. “Қарз олувчи” “Онлайн” микроқарз таъминоти сифатида ўзига ва оиласига тегишли бўлган мол-мулки, уй жиҳозлари ва қимматбаҳо буюмлари ҳамда ойлик иш ҳақини гаровга берилганлигини тасдиқлайди.

3.8. “Қарз олувчи” мазкур шартномага асосан микроқарзнинг асосий қисмини ва фоиз тўловларини график асосида амалга ошириши лозим.

3.9. Ажратилган кредитга ҳисобланган фоизлар графикда белгиланган санагача тўланмаган тақдирда, дастурий равишда 16377 (шартномага кўра ҳисоблаб ёзилган, бироқ муддатида тўланмаган олинishi лозим бўлган фоизлар) ҳисоб рақамига ўтказилади.

3.10. Микроқарзнинг асосий қарзи ва фоиз қарздорликлари “Қарз олувчи”нинг БПК ҳисобварағига ҳар ой кирим қилинадиган ойлик иш ҳақи ва бошқа турдаги келиб тушган маблағлари ҳамда нақд пул ҳисобидан мазкур шартнома шартларига мувофиқ сўндирилиб

борилади. Бунда, биринчи навбатда, муддати ўтган фоизлар ва асосий қарз, кейинги навбатда ҳисобланган жорий фоиз қарздорлиги ва асосий қарз сўндирилади.

3.11. “Қарз олувчи” томонидан микроқарзнинг асосий қарзи ва фоиз қарздорликлари графикда белгиланган муддатларда сўндирилмаган тақдирда, “Банк” қарз олувчининг банк пластик карталарининг чиқим қисмига таъқиқ қўйиш ва қарздорликни акцептсиз равишда ундириб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

3.12. Микроқарз бўйича қарздорликлар шартномада белгиланган муддатда сўндирилмаган тақдирда, юзага келган қарздорликларни қарз олувчининг ўзига ва оиласига тегишли бўлган мол-мулки, уй жиҳозлари ва қиммат баҳо буюмлари ҳамда ойлик иш ҳақи ҳисобидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда сўндириш чораси кўрилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Банк”нинг мажбуриятлари:

4.1.1. “Қарз олувчи”га “MyTuron” иловасини юклар олишда ва ишга туширишда амалий ёрдам бериш.

4.1.2. “MyTuron” иловаси орқали “Онлайн” микроқарз ажратиш бўйича скоринг таҳлил қилинишини ва микроқарз тўлов қобиляти етарли миқдори белгилангандан сўнг 1 (бир) банк иш куни ичида мижозга дастурий равишда ссуда ва бошқа зарур ҳисобварақлар очилишини таъминлаш;

4.1.3 “Қарз олувчи”нинг банк пластик картасига “MyTuron” иловаси орқали мазкур оферта шартномасининг 3.2-бандида белгиланган сумма доирасида “Онлайн” микроқарз ажратиш имконини яратиш.

4.2. Банкнинг ҳуқуқлари:

4.2.1. “Онлайн” микроқарз бўйича қарздорликлар шартнома(график)да белгиланган муддатларда сўндирилмаса, “қарз олувчи”нинг банк пластик картасининг чиқим қисмига таъқиқ қўйиш ва юзага келган қарздорликларни акцептсиз равишда ундириб олиш, қарз олувчининг ўзига ва оиласига тегишли бўлган мол-мулки, уй жиҳозлари ва қиммат баҳо буюмлари ҳамда ойлик иш ҳақи ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда сўндириш чорасини кўриш.

4.2.2. “Қарз олувчи” томонидан ушбу шартнома шартларининг бажарилиши ва кредит шартномаси шартлари тўғрисидаги маълумотларни “Кредит ахбороти таҳлилий маркази” кредит бюроси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит Ахбороти Давлат Реестрига юбориш;

4.2.3. “Қарз олувчи” томонидан мазкур шартнома шартлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда, хусусан муддати ўтган қарздорлик юзага келганда, “Қарз олувчи”нинг ўзидан ёки унинг иш берувчисидан ишдан бўшаганлиги ёхуд иш ҳақи қарздорликларни қайтариш графиги бўйича тўлай олмайдиган даражада камайганлиги ҳақида маълумот олинганда шартномани бекор қилиш ва банк пластик карточкасига таъқиқ қўйиш.

4.2.4. Микроқарз “қарз олувчи” томонидан муддатида қайтарилмаган ҳолда, муддати ўтган кредит асосий қарздорлигига мазкур шартноманинг 3.5-бандида мувофиқ оширилган фоиз ҳисоблаш.

4.2.5. “Қарз олувчи” томонидан 3 банк иш куни ичида “Онлайн” микроқарз маблағларидан фойдаланилмаган тақдирда оферта шартномасини бекор қилиш ва ссуда картасини ёпиш.

4.3. “Қарз олувчи” нинг мажбуриятлари:

4.3.1. “MyTuron” иловасини юклаб олиш ва ишга тушириш.

4.3.2. Мазкур оферта шартномасида аниқланган “Онлайн” микроқарз миқдорини “MyTuron” мобил иловаси орқали ўзининг банк пластик картасига юклаб олиш.

4.3.3. “Онлайн ” микроқарз қолдиғини ушбу шартнома(график)да кўрсатилган муддатларда БПК ҳисобварағига кирим қилинадиган ойлик иш ҳақи ёки бошқа турдаги маблағлар ҳисобидан ҳамда нақд пул маблағларини кирим қилиш орқали ўз муддатида сўндириб бориш.

4.3.4. “Онлайн” микроқарз ажратиш учун банкка скоринг таҳлили асосида аниқланган иш ҳақи(ва унга тенглаштирилган бошқа даромадлари)ни банк пластик картасига тушишини таъминлаш (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа даромадларини бошқача тарзда олмаслик).

4.3.5. Ишдан бўшаган тақдирда, иш берувчига ишдан бўшатиш тўғрисида ариза берган кундан кейин бир банк иш куни ичида банк филиалини хабардор қилиш ҳамда микроқарз бўйича қарздорликларни сўндириш.

4.4. Мижознинг ҳуқуқлари:

4.4.1. “MyTuron” мобил иловасидаги “Менинг кредитларим (Мои кредиты)” саҳифаси орқали , мавжуд бўлса “Туронбанк” АТБ филиаллари(МАБ)дан олинган кредитларнинг асосий ва фоиз тўловларини тўланиши ҳамда олган кредитлари бўйича бошқа маълумотлар олиш;

4.4.2. Мазкур оферта шартномасини тасдиқлагандан сўнг, аниқланган “Онлайн” микроқарз суммаси доирасида 3 банк иш куни ичида микроқарз маблағларидан фойдаланиш;

4.4.3. Тушунмовчиликлар юзага келганда банкдан маълумот олиш.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартнома мажбуриятлари тўлиқ ёки қисман бажарилмаганда, томонлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. “Қарз олувчи” томонидан “Онлайн” микроқарз маблағлари ўз муддатида қайтарилмасдан, “муддати ўтган кредитлар” ҳисобрақами(12505)га ўтказилганда микроқарзнинг асосий қисми “Банк” томонидан “суд жараёнидаги кредитлар” ҳисоб рақами(15703)га ёки “кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисоб рақами(95413)га ўтказилса, мазкур шартноманинг 3.5-бандида белгиланган оширилган фоиз ставкаси қўлланилади ва ҳисобланган фоизлар “Қарз олувчи”дан ундирилади.

5.4. Тарафлар ўз мажбуриятлари бўйича ўзларининг мулклари билан жавобгардир.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

6.1. Ушбу шартнома ёки унинг ижроси билан боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

6.2. Томонларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банкнинг микроқарз ажратган филиали жойлашган ҳудуддаги фуқаролик/иқтисодий судида ҳал қилинади.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаганлик шартнома тузилгандан кейин, Тарафлар олдиндан кўра олишмаган, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулодда тусдаги ҳодисалар натижасида вужудга келган, енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг оқибатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар) ҳисобланса, жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига асосланадиган Тараф бошқа Тарафни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда зудлик билан хабардор қилиши шарт ва шу билан бирга исталган тарафнинг талабига кўра ҳолатларнинг бошланиши фактини тасдиқловчи, тегишли орган томонидан берилган ҳужжат тақдим этилиши керак.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома “Қарз олувчи” томонидан “**MyTuron**” иловаси орқали тасдиқланган кунидан бошлаб тузилган ҳисобланади ва юридик кучга киради.

8.2. Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома электрон тарзда “**MyTuron**” иловаси орқали тузилиб, томонлар уни электрон тасдиқлайди ва қонуний кучга эга бўлади.

9.2. Ушбу шартномада акс эттирилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тартибга солинади.